



2020yil "9" May № 662

Яйпан шаҳри

**“Саховатли Хушнудбек Отабек ўғли”
номли ишлаб чиқариш
кооперативига қишлоқ хўжалиги
маҳсулотларини етиштириш учун ер
майдонлари ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти» тўғрисидаги Қонунинг 6-10-моддаларини қўллаб, Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни ва “Ер Кодекси”га асосан “Саховатли Хушнудбек Отабек ўғли” номли кооператив раҳбари О.Усмоновнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун туман ҳокимлиги захира ер майдонлари ҳисобидан ер майдони ажратиш тўғрисидаги аризаси ва туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг хулосаси, қишлоқ хўжалигига оид ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси хулосасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги қишлоқ хўжалигига оид ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг хулосаси тасдиқлансин.

2. “Саховатли Хушнудбек Отабек ўғли” номли кооператив раҳбари О.Усмоновга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш этиш учун жами: **15,0** гектар шундан А.Бозорбоши ММТП ҳудуди ДЗЕ 4-участкасидаги 292к-контурдаги янгидан ўзлаштириладиган ер майдонидан: **10,70** гектар, Намуна ММТП ҳудуди қишлоқ хўжалиги харитасининг № 65-контурида жойлашган: **4,30** гектар шундан, 4,20 гектар сувли экин ери, 0,10 гектар ариқ-зовурлардан иборат ер майдонлари 30 (ўттиз) йил муддатга ижарада фойдаланиш учун ажратиб берилсин.

3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (А.Ражабов)га:

- “Саховатли Хушнудбек Отабек ўғли” номли кооператив раҳбари

О.Усмоновга ер майдонларини жойида ўлчаб бериш, ер кадастр хужжатларини тайёрлаш;

-ер участкасига бўлган ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш;

-ер участкаларини узоқ муддатга ижарага бериш шартномасини тузиш;

-ердан фойдаланишни доимий назорат қилиш вазифалари юклансин.

4. Туман Давлат солиқ инспекциясига (Ж.Қўчқаров)га:

- “Саховатли Хушнудбек Отабек ўғли” номли кооператив раҳбари О.Усмоновга ажратилган ер майдонларига нисбатан солиқлар белгилаш ва фаолиятини назорат қилиш вазифаси юклансин.

5. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи (Б.Валиев)га:

-“Саховатли Хушнудбек Отабек ўғли” номли кооператив раҳбари О.Усмоновга ажратилаётган ер майдонларига 2020 йил ҳосили учун амалга оширилган тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларини расмийлаштириш вазифаси топширилсин.

6. Мазкур қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Д.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими:



Қ. Джураев